

Меҳнатни Нормалаштириш Ва Унинг Ҳуқуқий Асослари

М.Холмухамедов

Меҳнат бозори тадқиқотлари институти директори

А.Жалалов

Меҳнатни нормалаш маркази директори

Н.Муқимов

Бош илмий ходим

Incruises1965@gmail.com

Аннотация

Мақолада республикада янги қабул қилинаётган “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси”да келтирилган меҳнатни меъёрлаш, унинг афзаллиги, меъёрлаш жараёни доирасида бажариладиган барча функцияларни аниқ белгилаш, шунингдек, меҳнатни меъёрлаш жараёнининг табиати, таҳлил қилиш босқичлари, улар ўртасидаги муносабатлар ва уларнинг ҳуқуқий асослари ёритилган.

Таянч сўзлар: меҳнат, меҳнат нормаси, меҳнат кодекси, меҳнат ҳуқуқи, вақт меъёри, нормалаштириш модели.

Введение

Маълумки, меҳнатни нормалашнинг асосий вазифаси - маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг меҳнат оғирлигини енгиллаштириш, ишчи (ходим)ларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқариш ўртасидаги оқилона муносабатларни сақлаш учун меҳнатни ташкил қилишни изчил такомиллаштиришдан иборат. Меҳнат унумдорлиги (иш, хизматлар ёки маҳсулот ҳажми) ва иш ҳақининг ўсиши, фан ва техниканинг янги ютуқлари замонавий жиҳозларни яратишга ва уларни ишлаб чиқаришга мунтазам татбиқ этилиши долзарб масалалардан биридир. Жиҳозлар ва ижрочиларнинг ишламай туришини бартараф етиш, меҳнатни рационализация қилиш, илғор иш тажрибасини ўрганиш ва

оммалаштиришда меҳнатни меъёрлаш, хусусан, иш вақтининг таннархини ўрганиш усуллари муҳим аҳамиятга эга.

Меҳнатни нормалаш жараёнида кераксиз меҳнат жиҳозлари, ускуналари ва ҳаракатлари аниқланади ва бартараф қилиш йўллари изланади. Самарасиз ва маънан эскирган жиҳозлар замонавийлари билан алмаштирилади, ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам берадиган техник жиҳатдан асосланган меҳнат стандартлари ишлаб чиқиқилади ва ҳаётга татбиқ этилади. Ҳар бир ташкилот ва муассасаларнинг ташкилий тузилмаси улардаги бажариладиган ишларнинг мазмуни, таркиби ва технологиясига боғлиқ бўлади. Ташкилий тузилма якуний шаклланиши учун техник ва технологик жараёнларда қатнашаётган одамлар сонини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Бунинг учун эса иш вақти (бир иш соати, бир иш куни ёки ҳафтаси в.б.) давомида бажариладиган иш (меҳнат) бирликларини аниқлаш зарур бўлади. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, меҳнатни ташкил этиш учун у ёки бу ишни бажаришга қанча меҳнат талаб қилинишини билиш ўта муҳимдир.

Бу масалалар ҳаётимизда нисбатан қўллаб келинаётган бўлсада, янги тузилаётган идора, муассаса, ташкилотларга ажратилаётган ишчи-хизматчи-ходимлар штатлари сони етарлича асосланмаган ҳолда ташкил этилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бундан кўринадики, шу кунда фаолият юритаётган ташкилотларнинг штат бирликлари собиқ совет тузуми даврида қабул қилинган меҳнат нормалари стандартлари (қолипи) доирасидалигини билдиради. Аввало меҳнатни нормалаштириш деган саволга жавобни билиб олайлик: Меҳнатни нормалаштириш муайян ишлаб чиқариш шароитларида аниқ ишни ёки операцияни бажариш учун энг кўп йўл қўйиладиган вақт миқдорини аниқлаш, шунингдек ходимларнинг турли тоифалари (гуруҳлари) сони ва асбоб-ускуналар сони ўртасидаги мақбул ўзаро нисбатни аниқлаш имконини берадиган, меҳнат натижалари ва

меҳнатга ҳақ тўлаш ўлчови ўртасидаги тенглаштирилган ўзаро нисбатларни белгилаш ҳисобланади [1,2].

Меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикликнинг ҳуқуқий ҳужжатлари қуйидагилардан иборат (40-модда): жамоа келишувлари; жамоа шартномаси; ташкилотнинг иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишувга кўра қабул қилинган бошқа ички ҳужжатлари. Меҳнат ҳуқуқининг манбалари (меҳнатга оид муносабатлар) ва улар билан узвий равишда боғлиқ бўлган бошқа муносабатларни тартибга солувчи турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардир. Сирасини айтганда Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ходимлар, иш берувчилар, давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда, меҳнат бозорининг самарали амал қилишини, ҳаққоний ва хавфсиз меҳнат шарт-шароитларини, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғлиғи ҳимоя қилинишини таъминлайди, меҳнат унумдорлигининг ўсишига, иш сифати яхшиланишига, шу асосда барча аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражаси юксалишига кўмаклашади.

Яна бир ҳолатга эътибор беришни таъкидлаш жоизки, янги меҳнат кодексига ҳар қандай меҳнат соҳасидан, фаолият юритиш шаклидан қатъий назар улардаги ишчи-ходимлар, иш берувчилар ҳуқуқи кенг ёритилган, жумладан кичик бир статистик маълумот таҳлилига кўра “Ҳуқуқ” сўзи 1995 йилги Меҳнат кодексига 111 марта ишлатилган бўлса, янги қабул қилинаётган Меҳнат кодексига 557 марта учрайди, яъни 5 мартадан ҳам кўпроқ, ҳажми мос равишда 116 ва 204 бетлардан, моддалари эса мос равишда 294 ва 584 тадан иборат, яъни икки марта кўп. Кодекснинг эътироф этилган афзалликларидан бири унда биринчи марта «Меҳнатни нормалаштириш» боби киритилганлиги бўлиб, у еттига моддани ўз ичига олган. Меҳнатни нормалаш тушунчаси тўлиқ очиб берилган, меҳнат нормалари турлари санаб ўтилган ҳамда уларга таъриф берилган, меҳнат

нормаларини ишлаб чиқиш, жорий этиш, алмаштириш ва қайта кўриб чиқиш тартибга солинган.

Кодексга кўра, якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар ва улар билан бевосита боғлиқ ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий принциплари этиб қуйидагилар белгиланди:

- меҳнат ҳуқуқларининг тенглиги, меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишни тақиқлаш;
- меҳнат эркинлиги ва мажбурий меҳнатни тақиқлаш;
- меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик;
- меҳнат ҳуқуқлари таъминланишининг ва меҳнат мажбуриятлари бажарилишининг кафолатланганлиги;

ходимнинг ҳуқуқий ҳолати ёмонлашишига йўл қўйилмаслик. Жумладан, меҳнат эркинлиги ҳар кимнинг меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларини тасарруф этиш, уларни қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай шаклда амалга ошириш, машғулот турини, касбни ва мутахассисликни, иш жойини ҳамда меҳнат шароитларини эркин танлаш ҳуқуқини англатади. Янги кодексда ишчиларни оммавий ишдан бўшатиш мезонлари белгиланди. Уларга қуйидагилар киритилди: а) ходимларининг сони йигирма нафар ва ундан ортиқ бўлган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги ташкилотни (унинг алоҳида бўлинмасини) тугатиш; б) ходимлар сонининг (штатининг) қуйидаги миқдорда: ўттиз календарь кун ичида эллик нафар ва ундан ортиқ ходимнинг; олтмиш календарь кун ичида икки юз нафар ва ундан ортиқ ходимнинг; тўқсон календарь кун ичида беш юз нафар ва ундан ортиқ ходимнинг қисқариши.

Аёлларга қўшимча ҳуқуқлар берилади (25-боб, 1-параграф) Аёлларнинг ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларнинг меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам алоҳида белгиланди. Бундан ташқари, янги таҳрирдаги Меҳнат

кодексида меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари кенгайтирилди, шунингдек, ходимнинг пенсия ёшига етганлиги муносабати билан иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиши тақиқланди. Иш вақти турлари кенгайтирилмоқда: сменали иш, мослашувчан иш тартиби, иш кунини қисмларга бўлиш, хизмат сафарлари ва бошқалар киритилди. Юқоридаги ҳуқуқий асослардан кўриниб турибдики, инсоннинг меҳнати остида моддий манфаатдорлик ётса, меҳнатнинг асосида унинг нормаси ётади. Меҳнат нормаси ташкилот ёки корхонанинг мазмунини, меҳнат шартномалари шартларини, иш ҳақининг ҳажми, профстандартлар талаблари, ўқитиш ва таълим бериш стандарт талабларининг негизини шакллантириб берадиган омилдир.

Меҳнат нормаларининг турлари, уларни жорий этиш шартлари, амал қилиш муддатлари ва бошқа жиҳатлар билан Кодекснинг 16-бобида батафсил танишиб олиш мумкин бўлади. Бу каби маълумотлар яқинда Президентимиз томонидан 2022 йил 28 октябрда имзоланган янги меҳнат кодекси қонунида ҳам ўз аксини топди, яъни янги кодекс ходимлар, иш берувчилар ва давлат манфаатларининг мувозанатини таъминлаш ҳамда уларни мувофиқлаштириш асосида яқка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларни ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солиши белгилаб қўйилди [1]. Шунингдек, меҳнат соҳасидаги асосий ҳуқуқларнинг минимал стандартлари белгилаб қўйилувчи Конвенциялар ва Тавсиялар шаклида қабул қилинадиган халқаро меҳнат меъёрларини ишлаб чиқиш Халқаро меҳнат ташкилотининг энг муҳим ва ўзига хос функцияларидан бири ҳисобланади.

Меҳнатни нормалаш – белгиланган ишлаб чиқариш шароитида аниқ иш ёки операцияни бажариш учун талаб қилинадиган максимал вақт миқдорини аниқлаш, яъни вақт бирлигида (смена, соат) маҳсулот тайёрлашнинг мумкин бўлган ўртача миқдоридир. Ташкилотларда меҳнатни

нормалаш – меҳнатни ва иш ҳақини тўғри ташкил этишнинг асоси, у прогрессив техник жиҳатдан асосланган нормалар бўйича қурилиши керак. Меҳнатни нормалашнинг тажрибавий статистик ва таҳлилий усуллари мавжуд. Таҳлилий усул ҳам прогрессив, чунки нормаларни шаклланишига илмий ёндашишни мўлжаллайди, тажрибавий-статистик усул эса, фақат ташкилотда режа олди даврдаги туғилган ҳолатни қайд этади ва уни янги давр учун таққослаш асоси сифатида олади. Меҳнатни нормалаш қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши керак [3-4]:

- замонавий жиҳозлар меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш даражасини акс эттирган ҳолда меҳнат унумдорлигини оширишни таъминловчи усулларни ҳисобга олиши;
- йириклаштириш (такомиллаштириш) даражасининг мўлжалланган ишлаб чиқариш турига мос келиши;
- алоҳида тайёрланган, уни ишлаб чиқариш вақтида таъсир кўрсатувчи элементлар бажарилиши даврига таъсир кўрсатувчи омилларни тўғри ҳисобга олиниши;
- аниқ ташкилий – техник шароитлар ва ишлаб чиқариш турига таълуқли бўлган технологик жараёнларни ҳисобга олиниши;

техник асосланган нормаларни ҳисоблашда фойдаланиш учун улар қулай бўлиши зарур. Юқоридаги ҳуқуқий асослардан кўриниб турибдики, инсоннинг меҳнати остида моддий манфаатдорлик ётса, меҳнатнинг асосида унинг нормаси ётади. Меҳнат нормаси ташкилот ёки корxonанинг мазмунини, меҳнат шартномалари шартларини, иш ҳақининг ҳажми, профстандартлар талаблари, ўқитиш ва таълим бериш стандарт талабларининг негизини шакллантириб берадиган омилдир. Таъкидлаш жоизки, янги таҳрирдаги Меҳнат кодексини ишлаб чиқишда хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар жумладан, Германия, Швеция, Норвегия, Буюк Британия, Латвия, Эстония Япония, Жанубий Корея ҳамда МДХ

давлатлари тажрибаси мутахассисларимиз томонидан чуқур ўрганилганлигини ҳам қайд этиш лозим. Меҳнат кодексининг янги такомиллаштирилган таҳририни қайта ишлашда фаол қатнашган барча иштирокчиларга муаллифлар ўз миннатдорликларини билдирадилар.

ХУЛОСА

Республикамизда қабул қилинган янги меҳнат кодексига тегишли муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий тамойиллари акс етган моддаларнинг киритилиши шу кун талабларига жавоб беришини таъкидлаш лозим, жумладан:

- ишчиларнинг меҳнат ҳуқуқларининг тенглиги, меҳнат ва касб соҳасида камситишни тақиқлаш;
- меҳнат эркинлигини таъминлаш ва мажбурий меҳнатни тақиқлаш;
- меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик;
- меҳнат ҳуқуқлари ва меҳнат мажбуриятларини бажариш кафолати;
- ходимнинг ҳуқуқий мақомининг ёмонлашишига йўл қўйилмаслиги;
- бозор ва замон талабларига жавоб берадиган узоқ муддатга мўлжалланган меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш моделларини янада такомиллаштирилганлиги;
- ходимлар ва иш берувчиларнинг манфаатларини мувозанатлашга қодир ҳуқуқий база яратилганлиги;
- меҳнатни ҳуқуқий тартибга солиш ва бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлардаги бўшлиқлар ва номувофиқликларни бартараф этилганлиги;

ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича бандларнинг киритилганлиги шулар жумласидандир.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни: ЎРҚ-798-сон, Т., 2022.

2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.10.2022 й., 02/22/798/0972-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.12.1995 й.
4. Абдурахмонов Қ. Х. ва б., Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси, Т., 2001.